


ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ: ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАР СЕЗИЛАРЛИ ФАОЛЛАШГАНИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

17 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин музокара ўтказди.



Икки томонлама ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарлари кейинги йилларда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик ва барча шароитларда ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари мисли кўрилмаган юксак даражага кўтарилганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзбекистон Президентининг 2024 йил январь ойида Хитойга давлат ташрифи давомида эришилган келишувлар изчил амалга оширилмоқда.

Барча даражаларда алоқалар ва алмашинувлар сезиларли фаоллашгани қайд этилди.

Ташқи ишлар вазирларининг стратегик мулоқоти йўлга қўйилди. Жорий йил июнь ойи бошида Самарқанд шаҳрида иккинчи Худудлар форуми муваффақиятли ўтказилди.

Савдо-иқтисодий ва молиявий-инвестицион ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. 2024 йилда товар айирбошлаш 14 миллиард долларга етди. Инвестиция лойиҳалари портфели 60 миллиард доллардан зиёдни ташкил этмоқда.

Мамлакатимиз ҳудудларида қўшма технопарклар ва махсус индустриал зо-

налар муваффақиятли фаолият юритмоқда, “BYD” электромобилларини ишлаб чиқариш кенгаймоқда.

“Яшил” энергетика, нефть-газ, кимё, фармацевтика, металлургия, тоғ-кон, тўқимачилик, озиқ-овқат ва қурилиш тармоқларида ҳамда логистика, “ақли” қишлоқ хўжалиги, сунъий интеллект ва рақамлаштириш соҳаларида истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Хитойнинг етакчи молия институтлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган. “Ипак йўли” жағмармаси билан инвестиция платформасини кенгайтириш режалаштирилган. Хитой Эксимбанки ишторида пойтахтимизда Олимпия шаҳарчаси қурилиши якунланмоқда. Тошкент шаҳрида ушбу банкнинг минтақавий филиали очилди.

Камбағалликка қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлиқни янада чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Етакчилар “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” стратегик темир йўли қурилишни жадаллаштириш муҳимлигини ҳам қайд этдилар.

Таълим, фан, туризм ва маданият, кадрлар тайёрлаш ва хитой тилини ўрганиш

соҳаларидаги алмашинувларни ривожлантиришдан манфаатдорлик билдирилди.

Ўзбекистонда Хитойнинг Шимоли-ғарбий қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги университетининг филиали фаолият кўрсатмоқда, Урганч университети негизда Пекин университети билан ҳамкорликда Халқаро математика маркази ташкил этилган.

Ўтган йили Конфуций институти фаолиятининг 20 йиллиги нишонланди, Хитойнинг “Лу Бань устаконаси” профессионал таълим тизими жорий этилмоқда.

Келгуси йилда икки мамлакатда маданият ва санъат ҳафталикларини ўтказиш режалаштирилган.

Урашувда халқаро кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди. БМТ, ШХТ, “Марказий Осиё — Хитой” формати ва бошқа кўп томонлама тузилмалар доирасидаги мувофиқлашув ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Яқунда етакчилар ҳузурида Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича икки томонлама музокаралар якунлангани тўғрисида баённома имзолангани эълон қилинди.

ЎЗА

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ХИТОЙ ЎРТАСИДА УШБУ ФОРМАТДАГИ ҲАМКОРЛИК ДОЛЗАРБ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 июнь куни Остона шаҳрида “Марказий Осиё — Хитой” иккинчи саммитида иштирок этди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида ўтган тадбирда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Берdimухамедов ҳам қатнашди.

Кун тартибига мувофиқ, Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни устувор йўналишларда кенгайтириш истиқболлари, долзарб халқаро ва минтақавий масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Президенти нутқининг аввалда ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг Марказий Осиё давлатлари билан дўстлик ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, аниқ лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш орқали минтақанинг барқарор тараққиётини қўллаб-қувватлашдаги ўрнини алоҳида таъкидлади.

2023 йилда Сянъ шаҳрида ўтган биринчи саммитдан сўнг “Марказий Осиё — Хитой” форматидаги ҳамкорликда катта муваффақиятларга эришилгани мамнуният билан қайд этилди.

Хусусан, котибият ташкил этилди, вазирлар, экспертлар учрашувлари ва йиғилишларини ўтказиш механизмлари ишга туширилди, кенг қўламли ҳамкорлиқнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси шакллантирилмоқда.

Марказий Осиё мамлакатларининг Хитой билан товар айирбошлаш ҳамжи ортиб бормоқда, жорий йилда бу кўрсаткич 100 миллиард долларга етиши кутилмоқда.

— Бизнингча, бир томондан, ишонч, яхши қўшничилик ва шериклик маконига айланган Марказий Осиёнинг ўзидаги чуқур трансформация жараёнлари, бошқа томондан, Хитой раҳбариятининг қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни ривожлантириш ва “Мақон ва йўл” глобал концепциясини илгари суришга қатъий содиқлиги ушбу форматдаги ҳамкорлиқнинг ривожланишига имкон бермоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Сўнг Ўзбекистон етакчиси минтақавий ҳамкорлиқни янада ривожлантириш бўйича ўз нуқтани назарини баён қилди.

Авалло, бу галги учрашув халқаро вазият сезиларли даражада ёмонлашган бир шароитда ўтаётгани таъкидланди.

Рақобатнинг ортиши кескинлиқнинг зўрайишига, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга янги хавф ва таҳдидлар пайдо бўлишига олиб келмоқда.

— Низоли халқаро масалалар ва зиддиятли муаммоларни ҳал қилиш учун куч ишлатиш воситаларидан фойдаланиш ўзини оқламайди ва бунга йўл қўйиш бўлмайдиган, деб ҳисоблаймиз, — деди Президент.

— Барча низо ва зиддиятлар суверенитетни ҳурмат қилиш, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти низоми асосида фақат дипломатик саъй-ҳаракатлар йўли билан — музокара-лар столида ҳал этилиши шарт.

Шу муносабат билан саммит давомида минтақавий барқарорлиқни таъминлашга умумий ҳисса қўшадиган Абадий яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома қабул қилиниши тарихий аҳамиятга эга экани таъкидланди. Ушбу шартномани ривожлантириш мақсадида аниқ механизм ва лойиҳаларни киритган ҳолда Узоқ муддатли шериклик концепциясини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Ўзбекистон етакчиси таъкидлаганидек, Хитой билан савдо, инвестициявий ва технологик ҳамкорлик Марказий Осиёнинг барча мамлакатларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш стратегияларини амалга оширишда кучли локомотив бўлиб хизмат қилмоқда.

Минтақа мамлакатларининг ўсиб бораётган салоҳияти ва Хитойнинг саноат соҳасидаги етакчилигини бирлаштириш билмилар билан алмашув ва технологиялар трансферининг самарали механизмларига эга бўлган умумий кенг имкониятлар макони пайдо бўлишига олиб келиши мумкинлиги таъкидланди.

Янги иқтисодий шериклик дастурини тез фурсатда қабул қилиш ҳамда Бош вазир ўринбосарлари даражасида Савдо ва инвестициялар бўйича ҳудудлараро кенгаши таъсис этиш бу борадаги амалий қадам бўлади. Ўзбекистон томони кенгашининг биринчи йиғилишини жорий йил охиригача ўтказишга тайёрлиги билдирилди.

Савдо алоқаларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Президенти “Рақамли макон ва йўл” доирасида “Рақамли Ипак йўли” кўп томонлама савдо платформасини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди.

Шунингдек, регламент ва стандартларни яқинлаштириш, экспорт маҳсулотларини Хитой талаблари асосида сертификатлаш учун Тошкент шаҳрида Саноатда стандартлаштириш ва сертификатлаштириш минтақавий марказини ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Бизнес, етакчи илмий-тадқиқот институтлари ва муҳандислик марказларини жалб қилган ҳолда, технологиялар трансфери бўйича алоҳида “йўл харитаси”ни қабул қилиш таклифи билдирилди.

Ўзбекистон етакчиси иқтисодий салоҳиятни самарали рўёбга чиқариш учун саноат ва инфратузилмавий ўзаро бегликни қучайтириш зарурлигига алоҳида

тўхталди. Шу мақсадда “Марказий Осиё — Хитой” саноат ва инфратузилма макони узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш таклиф этилди.

Хитой инвестициялари, технологик ва илмий ечимларини жалб қилган ҳолда, ўзаро боғланган саноат кластерлари, технопарклар ва логистика хаблари тизимини яратиш шулар жумласидан.

Марказий Осиё мамлакатлари ва Хитой энергетика тизимларини ўзаро боғлаш, жумладан, юқори кучли электр узатиш линиясини барпо этиш мегалойиҳасини амалга ошириш масалалари ҳам диққат билан ўрганилиши лозим.

Минтақавий аҳамиятга молик йирик лойиҳаларни қўллаб-қувватлашга қодир бўлган самарали молиявий воситаларни жорий этиш масаласи алоҳида долзарблик касб этмоқда.

— Бугунги кунда амалда бўлган халқаро механизмлар, ҳеч шубҳасиз, муҳим роль ўйнамоқда, аммо минтақанинг инвестицияга бўлган талабини тўлиқ қоплай олмайпти. Экспертларнинг ҳулосасига кўра, Марказий Осиёни инфратузилмавий ривожлантиришда капитал қўйилмалар тақчиллиги бир неча юз миллиард доллар деб ҳисобланмоқда”, — деди Ўзбекистон етакчиси.

Шу муносабат билан инфратузилмавий ташаббусларни илгари суриш учун самарали платформа бўла оладиган “Марказий Осиё — Хитой” тараққиёт фондини таъсис этиш имкониятини кўриб чиқиш таклиф қилинди.

Марказий Осиё ва Хитойнинг транспорт жиҳатидан ўзаро боғлиқлигини ривожлантириш яна бир устувор йўналиш сифатида қайд этилди.

“Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилиши бошлангани Евроосиё маконидаги янги транспорт ва транзит коммуникациялари тизимининг муҳим элементи экани таъкидланди. Шу билан бирга, Трансафғон темир йўл магистралли лойиҳасини амалга ошириш янада кенг имкониятлар эшигини очди.

— Ушбу стратегик соҳа истиқболига оид умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш учун транспорт идораларимизга дала тадқиқотларини олиб бориш, логистика инфратузилмасини модернизация қилиш имкониятларини ўрганиш, муқобил йўллар бўйича юкларни таший борадида синов тарихисидagi лойиҳаларини амалга ошириш учун экспертлар ғуруҳларини шакллантириш юзасидан топириқ беришимиз зарур деб ҳисоблайман, — деди Ўзбекистон етакчиси.

➤ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ “МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ХИТОЙ” ИККИНЧИ САММИТИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Қозоғистон Республикаси Президенти ҳурматли Қосим-Жомарт Кемелович Тоқаевга самимий қабул ва “Марказий Осиё — Хитой” иккинчи саммити юқори даражада ташкил этилгани учун билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Хитой Халқ Республикаси Раиси ҳурматли Си Цзиньпин жанобларига минтақа давлатлари билан дўстлик ва ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга қатъий содиқлиги учун ташаккур айтаман.

Сизнинг “Хитой ва Марказий Осиё мамлакатларини ўзаро ҳурмат, ўзаро ишонч ва ўзаро ёрдамга асосланган кўп асрлик дўстлик ва шериклик ришталари ҳамда яқин алоқаларни ўрнатish ва юқори сифатли ҳамкорлиқни ривожлантиришга бўлган интилиш бoғлаб туради”, деган сўзларингизни тўлиқ қўллаб-қувватлайман.

Яқинда нишонланган таваллуд айёмингиз муносабати билан Сизнинг шайнингизга билдирилган самимий кутлов ва тилакларга ҳам қўшиламан.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугунги учрашувимиз кун тартиби ва тайёрланган ҳужжатларни, жумладан, Остона декларациясини қўллаб-қувватлайман.

Чўлланишдан огоҳлантириш, таълим соҳасида ҳамкорлик, камбағалликка қарши курашиш бўйича қўшма марказлар, шунингдек, Марказий Осиё ва Хитой узулуксиз савдо платформаси ишга туширилганини олқишлайман. Ҳеч шубҳасиз, бу механизмлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро амалий ҳамкорлиқни кенгайтиришга имкон беради. Ўзбекистон бундай тузилмалар фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришда фаол иштирок этиш ниятида.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Хитой доғишмандлари айтганларидек: “Кимки дўстлари билан бирга қадам ташласа, узоққа боради”.

Биз Сизандаги илк тарихий саммитимиздан кейин жиддий натижаларга эришдик. Юқорида таъкидланганидек, ҳамкорлиқни кўп даражада мувофиқлаштиришни таъминлайдиган Котибият тузилди.

Турли йўналишлар бўйича вазирлар ва экспертларнинг учрашув ва йиғилишларига оид самарали механизмлар ишламоқда, кенг қўламли ҳамкорлиқнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси шакллантирилмоқда.

Таҳлиллар Марказий Осиё мамлакатларининг Хитой билан умумий савдо айланмаси ўсиб бораётганини кўрсатмоқда.

Жорий йилда бу кўрсаткич деярли 100 миллиард долларга етади. Қўшма корхоналар ва лойиҳалар сони эса 10 мингдан ошади.

Бизнингча, бир томондан, ишонч, яхши қўшничилик ва шериклик маконига айланган Марказий Осиёнинг ўзидаги чуқур трансформация жараёнлари, бошқа томондан, Хитой раҳбариятининг қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларини ривожлантириш ва “Белбоғ ва йўл” глобал концепциясини илгари суришга қатъий содиқлиги ушбу форматдаги ҳамкорлиқнинг ривожланишига имкон бермоқда.

Шу муносабат билан кўп томонлама ҳамкорлиқни янада ривожлантириш борасидаги ўз қарашларимизни билдирмоқчиман.

Бугунги учрашувимиз халқаро вазият сезиларли даражада ёмонлашиб бораётган шароитда бўлиб ўтмоқда. Йўқотиш ва талафотларга сабаб бўладиган жомаролар янгидан аланга олмақда, глобал ва минтақавий даражадаги йирик давлатлар ўртасида ўзаро ишончсизлик кучаймоқда.

Рақобатнинг ортиши кескинлиқнинг зўрайишига, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга янги хавф ва таҳдидлар пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Низоли халқаро масалалар ва зиддиятли муаммоларни ҳал қилиш учун куч ишлатиш воситаларидан фойдаланиш ўзини оқламайди ва бунга йўл қўйиш бўлмайдиган, деб ҳисоблаймиз.

Муҳтарам Си Цзиньпин жаноблари, Сизнинг давом этаётган жомаролар ва урушларда ҳеч қандай ғолиблар бўлмайди, деган сўзларингизга тўлиқ қўшиламан.

Барча низо ва зиддиятлар суверенитетни ҳурмат қилиш, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти низоми асосида фақат дипломатик саъй-ҳаракатлар йўли билан — музокара-лар столида ҳал этилиши шарт.

Таъкидлаш керакки, олдиндан айтиб бўлмайдиган бундай шароитда халқаро муносабатларнинг ҳозиргидан кўра барқарор тизимларини таъминлаш учун мамлакатларни бирлаштиришга қодир бўлган минтақавий механизмларнинг аҳамияти ва роли ошмоқда.

Шу муносабат билан бугун мамлакатларимиз ўртасидаги Абадий яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг қабул қилинишини тарихий воқеа, деб ҳисоблайман. Ушбу ҳужжат минтақавий барқарорлиқни таъминлашга қўшган умумий ҳиссамиз бўлиб

қолади. Шартномани амалий жиҳатдан мустаҳкамлашда аниқ механизм ва лойиҳаларни қамраб олган Узоқ муддатли шериклик концепциясини қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Савдо, инвестиция ва технология ҳамкорлик Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясини амалга оширишда кучли локомотив бўлиб хизмат қилмоқда.

Биргина мисолни келтириб ўтаман.

Хитойнинг илгор тажрибаси асосида бизнинг мамлакатимизда саноат салоҳияти ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш, ҳудудларимизда янги иш ўринларини яратишга қаратилган ўнлаб йирик лойиҳалар амалга оширилди.

Таъкидлайман: Марказий Осиё мамлакатларининг ўсиб бораётган салоҳияти ва Хитойнинг саноат соҳасидаги етакчилигини бирлаштириш билмилар билан алмашув ва технологиялар трансферининг самарали механизмларига эга бўлган умумий кенг имкониятлар макони пайдо бўлишига олиб келиши лозим.

Ишончим комил, янги иқтисодий шериклик дастурининг тезроқ қабул қилиниши ушбу йўналишда яна бир амалий қадам бўлади.

Ушбу дастурни аниқ вазибалар билан тўлдириш, ўзаро савдо ва инвестицияларни кенгайтириш бўйича лойиҳалар портфелини шакллантириш учун мамлакатларимиз Бош вазир ўринбосарлари даражасида Савдо ва инвестициялар бўйича минтақалараро кенгаш таъсис этишни таклиф этаман. Унинг биринчи учрашуви-ни шу йилнинг охирига қадар Ўзбекистонда ўтказишга тайёрмиз.

Савдо алоқаларини рағбатлантириш мақсадида “Рақамли белбоғ ва йўл” доирасида “Рақамли Ипак йўли” кўп томонлама савдо платформасини ташкил этиш тарафдоримиз.

Тошкентда регламент ва стандартларни яқинлаштириш, Хитой талаблари бўйича экспорт маҳсулотларини сертификатлаштириш масалалари билан шуғулланадиган Саноатда стандартлаштириш ва сертификатлаштириш минтақавий марказини яратишни долзарб аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

Бизнес, етакчи тадқиқот институтлари ва муҳандислик марказларини жалб этган ҳолда, технологиялар трансфери бўйича алоҳида “йўл харитаси”ни қабул қилишни таклиф этаман.

➤ Давоми 2-бетда

Қурилиш мамлакат тараққиёти кўзгусидир. Ундаги ҳар бир бино, йўл, инфратузилма объекти — давлат сиёсати ва ижтимоий масъулиятнинг амалий кўриниши. Шу боис, соҳадаги ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиш, қабул қилинган ҳужжатлар ижросини таъминлаш, тартиб-интизомга катта эътибор қаратиш зарур.



Шерзод ХИДОЯТОВ, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири

Негаки, ҳар бир қонунчилик ҳужжати халқ билан очиқ мулоқот қилиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг фикрларини тинглаш, кўп йиллардан буйи фуқароларни қийнаб келатган муаммоларни жойига чиққан ҳолда ўрганиш орқали қабул қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан масъулар олдига қўйилган қатъий талаб ва танқидий таҳлиллار барчамизни янада масъулиятли, фидойи ва натижага йўналтирилган иш услубига ўтишга ундайди. Зеро, тартиб ва интизом бўлган жойдагина барқарорлик ва тараққиёт бўлади.

Ислохотлар самарадорлиги ва қўзланган мақсадларга эришишнинг натижадорлиги эса бевосита мустақкам ижро интизоми билан боғлиқ. Айнан давлат идоралари ва ташкилотларидagi ижро интизоми ҳолатидан келиб чиқиб, ҳар бир тармоқнинг ривожланиш даражасига баҳо бериш мумкин.

Дарҳақиқат, тартиб, масъулиятни чуқур ҳис этиш ривожланишга асос бўлади. Бу омиллар интизоми шакллантириб, вазифа ва топшириқлар ижросини таъминлашнинг энг муҳим жиҳатларидан. Бугунги тараққиёт, атрофимиздаги, одамлар ҳаётидаги ўзгаришларни инобатга олсак, бу, айниқса, қурилиш-бунёдкорлик соҳасида жуда муҳим. Чунки ҳозир юртимиз бўйлаб қурилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Замонавий турар жойлар, ижтимоий объектлар, янги инфратузилма тармоқлари, янги мазеелар халқимизнинг муносиб ва фаровон яшаш учун хизмат қилмоқда. Демак, булар соҳа қавиллари зиммасига ҳам кўп вазифа ва катта масъулият юклайди.

Аслида, ҳеч бир ишга юзакни қараб бўлмайди. Ҳар бир тармоқ, ҳар бир соҳанинг ўзига хос талаблари бор. Бу эса соҳа қавиллари масъулиятини янада оширади. Яъни ҳар бир раҳбар ижро интизоми масаласига юқори масъулият билан ёндашиши керак. Белгиланган топшириқлар ижросини ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли таъминлаш, бу бўйича ишларни тўғри режалаштириши лозим. Топшириқларини ижро муддатигача бажариш бўйича олдиндан зарур чора-тадбирлар кўриб бориши шарт.

Ислохотлар қўлами масъулиятни янада оширади

Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳада бўлгани каби қурилиш соҳасидаги ишлар қўлами зиммамиздаги масъулиятни янада оширади. Қабул қилинган қонунлар, фармон ва қарорларда белгиланган вазифалар нафақат соҳа ривожига, балки халқимизнинг фаровонлигини ошириш, жамият тараққиётини юксалтиришга хизмат қилиши билан янада аҳамиятли.

Жумладан, Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги “Йўл.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан ижро интизомига алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу фармон ва қарорда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар лойиҳаларини пухта иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказишни таъминлаш, қабул қилинган ҳужжатлар ижросини самарали ташкил этиш ва ижросини назорат қилишнинг тасирчан тизимини яратиш бўйича устувор вазифалар белгилан берилди.

Вазирлик тизимида ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалиётга сўзсиз татбиқ этиш мақсадида ходимлар ўртасида мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бунда асосий эътибор ходимларнинг янги шаклланган қонунчилик ҳужжатларидан

хабардорлигини ошириш, хизмат вазифасига виждонан ва алоҳида масъулият билан ёндашиш, ҳар бир ишда шахсий жавобгарлиқни қучайтиришга қаратилди.

Ижро этувчи орган сифатида топшириқларнинг ўз вақтида бажарилиши муҳимлигини тўлиқ ҳис этган ҳолда, ходимларнинг шахсий масъулияти, касбий маҳорати, талабчанлиги ва ташаббускорлигини ошириш, уларда ватанга садоқат, меҳнатсеварлик ва ҳалоллик хиссини уйғотиш, қатъий “темир интизом” ўрнатиш борасида мунтазам иш олиб борилмоқда. Пировардида, ўтган вақтда ишига сидқидилдан ёндашадиган, фидойи кадрлар жамоаси шаклланди.

Шунингдек, фармон ва қарор билан давлат хизматчиларининг масъулиятини ошириш бўйича жавобгар томонлар ҳам белгилан берилган қонунчилик ҳужжатлари ижросини сифатли ва ўз муддатида таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ҳар бир ҳужжат ижроси қатъий назорат қилинади

Бундан ташқари, “Йўл.gov.uz” тизими орқали бевосита ваколатли давлат органлари томонидан ҳудудлар, тармоқ ва ташкилотларда қонунчилик ҳужжатлари ижроси бўйича бажарилаётган ишлар назорат қилиб борилмоқда. Энг муҳими, ушбу тизим қамрови тобора кенгаймоқда. Яъни ҳудудий давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг туман тузилмалари ҳам унга уланади.

Умуман олганда, вазирлигимизда ҳар бир қонунчилик ҳужжати ва топшириқларнинг қатъий ҳисобини юритиш ҳамда белгиланган муддатларда ижросини мониторинг қилиш бўйича қатъий тизим яратилган.

Фармонда белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда вазирликда қонунчилик ҳужжатлари ижросини ташкил этиш, ижро инти-



Республикаси ва вилоятларга бириктирилган. Улар вазирликка юклатилган топшириқларнинг жойлардаги ижросини бевосита ташкил қилишга қўмаклашади;

тўғрисида, ижро интизоми мустақкамлаш ва топшириқларнинг муддатида

“Қурилиш соҳасида давлат хизматларини кўрсатиш” ахборот тизимида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги барча 16 та давлат хизмати рақамлаштирилиши натижасида аҳоли ва

бизнес эгаларига уйдан чиқмаган ҳолда хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилди. 2022-2024 йилларда “Давхизмат” ахборот тизими орқали 993,4 мингта объект бўйича давлат хизматлари кўрсатилган.



зоминини янада мустақкамлаш бўйича қуйидаги тизим жорий этилган:

биринчидан, қонунчилик ҳужжатлари келиб тушган куннинг ўзидек ушбу ижрога қаратиш юзасидан **раҳбар топшириги** (зарур ҳолларда буйруқ) тайёрланади ва имзоланиб, ижрочиларга тезкор етказилади;

иккинчидан, қонунчилик ҳужжатларининг назорат бандлари ва топшириқларда аниқ механизмлар, муддат ва масъулар белгиланиши бўйича “Йўл хариталари” (ҳаракат режалари) ишлаб чиқилади ҳамда уларнинг **ҳар бир ходим шахсий иш режаси**да акс эттирилиши таъминланади;

учинчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг муддатидан олдин ижросини сифатли ташкил этиш чоралари кўрилади ва “Йўл.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимида ўз вақтида ҳисобот берилишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бунда топшириқлар ижросининг жойига чиққан ҳолда ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилган. Вазирлик марказий аппаратининг 2 нафардан ходими Қорақалпоғистон

бажарилиши масаласи ҳар душанба кунини вазири ҳузурида, чоршанба ва жума кунлари вазири ўринбосарлари бошчилигида муҳокама қилинади ҳамда зарурий чоралар кўриб борилади.

Бундан ташқари, ҳар пайшанба кунини вазири бошчилигида тизим ташкилотлари ва ҳудудий бошқармалар билан ўтказиладиган видеоселектор муҳокамаларида ҳам ижро интизоми масаласи кўриб чиқилади;

бешинчидан, қўйилган вазифаларнинг моҳияти ва аҳамиятини вазирлик, тизим ташкилотлари ва ҳудудий бошқармалар ходимлари ўртасида тушунтириш мақсадида **иқтисодий ўқувлар** ташкил этиб борилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси, Ҳисоб палатаси, Вазирлар Маҳкамаси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда ижро интизоми мустақкамлаш, бу йўналишдаги муаммоларни бартараф этиш ва тизимини янада самарали ташкил этиш юзасидан амалий семинарлар ўтказилади;

олтинчидан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ўз вақтида, тўлиқ ва натижали

ижро этилиши танқидий таҳлил қилиниб, вазирлик ҳайъати йиғилишларида муҳокама қилиб борилади ҳамда мўължалланган мақсадларга эришилиши ва ижро интизоми ҳолати вазирликда жорий этилган ходимларнинг KPI тизимида акс эттириб борилади.

Фармон ва қарорга асосан, ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими ва “Йўл.gov.uz” ягона назорат тизими орқали вазирликка келиб тушган топшириқлар ижросини доимий назорат қилиб бориш мақсадида вазирликда ташкил этилган **ижро назорати бўлими қонунчилик ҳужжатларидаги топшириқларни** рўйхатдан ўтказиш ҳамда раҳбарга ахборот беришдан ташқари, уларнинг ижро-чилари, муддати ҳамда бажариш механизмининг кўрсатган ҳолда, топшириқларга муносабат тайёрлаш ҳамда ижрочиларга етказилишини назорат қилади.

Шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни таҳлил қилиш, ўрганиш ҳамда ижро натижалари ва аниқланган муаммолари масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги ва Ҳисоб палатасига ахборот кири-тиб боради.

Давлатимиз раҳбари раислигида 2024 йил 28 ноябрь кунини бўлиб ўтган йиғилишда вазирлар, ҳокимлар ва тармоқ раҳбарларининг масъулиятини кучайтириш, барча топшириқнинг ижросини сўзсиз таъминлаш бўйича аниқ вазифаларни белгиланди. Барча даражадаги раҳбарларга топшириқларини ижро муддати-дан барвақт бажариш бўйича олдиндан зарур чора-тадбирлар кўриш, белгиланган вазифани бажариш натижадорлигини ошириш вазифаси юклатилди. Шу билан бирга, ҳар бир вазирлик, вилоят ва тумандаги ишларнинг тизими ҳисоби юритилиши ва бу электрон платформага ўтказилиб, сўров ҳам, маош ҳам шунга боғлиқ бўлиши юзасидан тизим яратиш топшириғи берилди.

Вазирлик тизимида ҳам ижро интизоми бевосита ходимларнинг KPI тизимига боғланган. Топшириқларнинг ижро муддатини бузган масъул ходимларга огоҳлантириш бериш, KPI балларини камайтириш, “ҳайфсан” бериш ҳамда лавозимдан озод қилиш каби кескин чоралар ҳам кўрилмоқда.

Хусусан, 2024 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида ижро интизомига риоя этмагани учун 9 ходимга “ҳайфсан” интизомий жазо чораси қўйилган. Шу билан бирга, вазирликда назоратдаги ҳужжатлар билан ишлаш, ижросини таъминлашда “Йўл.gov.uz” электрон тизими марказий аппарат ходимлари, тизим ташкилотлари ва 14 та ҳудудий бошқарма билан тизимли ишлаш йўлга қўйилиб, ижро интизомига масъул ходимлар бириктирилган.

2024 йилда “Йўл.gov.uz” электрон тизими орқали вазирлик томонидан 1947 та топшириқ ижроси таъминланди. Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда. Бугунга қадар вазирликда Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳужжатлари бўйича белгиланган 532 та топшириқдан 525 тасининг ижроси тўлиқ таъминланди.

Бундан ташқари, вазирликда қонунчилик ҳужжатлари ижросини таъминлашда соҳани рақамлаштириш борасидаги ишлар ҳам катта ёрдам бермоқда. Бу борада Президентимизнинг қарори асосида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш республика маркази ташкил этилган ва “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ишлаб чиқилган.

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими давлат мақсадли дастурларига кири-тилган объектлар, шунингдек, кўп квартира-ли уйлари қуришга рухсат олишдан бошлаб, кўриб фойдаланишга топширишгача бўлган барча жараёни қамраб олади. Яъни ҳар бир объект бўйича бажарилиши лозим бўлган ишларнинг муддатида амалга оширилиши он-лайн назорат қилиб борилади.

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими негизда 16 та платформа ишга туширил-ган. Уларнинг ҳар бирида вазирликка юклатил-ган вазифа ва топшириқлар ижросини ташкил этиш ва назорат қилиш имконияти яратилган.

Хусусан, “Давлат шаҳарсозлик ка-дастри” географик ахборот тизими орқали мамлакат ҳудудида юритилаётган давлат шаҳарсозлик кадастри тўғрисида батафсил маълумотларни олиш мумкин (қизил чиқиқлар, геологик районлаштириш, функционал зона-лаш схемалари, ҳудуднинг архитектуравий режалаштирилиши ташкиллаштириш лойиҳа-си, бош режалар, батафсил режалаштириш ло-йиҳалари).

“Қурилиш соҳасида давлат хизматлари-ни кўрсатиш” ахборот тизимида қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги барча 16 та давлат хизмати рақамлаштирилиши нати-жасида аҳоли ва бизнес эгаларига уйдан чиқ-маган ҳолда хизматлардан фойдаланиш имкония-ти яратилди. 2022-2024 йилларда “Давхизмат” ахборот тизими орқали 993,4 мингта объект бўйича давлат хизматлари кўрсатилган.

Ҳудудий бошқармалар ва туман (шаҳар) бўлимлари томонидан 8 турдаги давлат хизмат-лари кўрсатиш юзасидан мурожаатлар ижро-сини таъминлаш бўйича ягона ахборот тизими жорий қилинган.

“Қурилишда давлат назорати” ахбо-рот тизимида қурилиш объектларида назорат инспекторлари томонидан аниқланган барча камчилик фотосуратлари билан бирга тизимга он-лайн кирилади ва назорат жараёни авто-матлаштирилади. Ҳар бир объект учун QR-код-ли паспорт жорий этилган, ушбу код орқали объект ҳақидаги барча маълумотни реал вақт режимида олиш мумкин. Қурилиш жараёни тизим орқали рақамлаштирилиб, қўшимча ра-вишда объектлар реал вақт режимида кузатиб борилади.

“Менинг ҳудудим” платформаси ҳудуд-ларда фуқароларнинг қўлай ҳаёт фаолияти муҳитини комплекс шакллантириш, шаҳар-созлик ва тадбиркорлик фаолиятида бюрократ-тик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида ишлаб чиқилган. Унда:

— аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳуж-жатлари ва мастер режаларини ишлаб чиқишда жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳамда овоз бе-риш механизмининг жорий этиш;

— ҳудудларда маҳаллий аҳоли ҳамда тад-биркорлик субъектларининг шаҳарсозлик ва тадбиркорлик фаолиятига тааллуқли ташаб-бусларини кириштиш имконияти яратилган.

“Менинг уйим” автоматлаштирил-ган биллинг ахборот тизимида ҳудудларда кўп квартирали уй-жойларга хизмат кўра-тиш жараёнига мажбурий бадал тўловларини автоматлаштирилган тарзда ҳисоб-китоб қилиш, он-лайн электрон пул тўлаш, истеъ-молчилар яшаётган уй тўғрисида маълумот-нона олиш, қарздорлиқни кўриш, бошқарув сервис компанияси (БСК) ва хусусий уй-жой мулкдорлар ширкати (ХУЖМШ)га мурожаат жўнатиш, мажлис баёни ва бошқа ҳужжат-ларни ахборот тизимида кўра олиш имкони-яти яратилган.

2022 йилда ишга туширилган ушбу бил-линг тизимида 43 мингдан ортиқ кўп квар-тирالي уйнинг маълумоти киририлган,

1,3 миллион абонент учун шахсий ҳисобрақам очилган, 1037 та бошқарув сервис компанияси, 268 та уй-жой мулкдорлари ширкати тизимда фаол ҳолатда ҳисоб юритилмоқда.

Бу ишларни изчил давом эттирган ҳолда 2025 йилда “Шаффоф қурилиш” миллий ахбо-рот тизими негизда 3 та дастурий тизим яра-тилади, 6 та тизим рақамлаштирилади, давлат хизматларини кўрсатиш бўйича 8 та электрон тизим тақомиллаштирилади.

Қонунчилик ҳужжатларининг пухта ишлаб чиқилиши ҳам ижронини ташкил этиш-нинг муҳим воситасидир. Бу борада нор-матив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва ҳуқуқий бўшлиқларни аниқ механизмга асос-ланган тизимга айлантириш борасида муайян чора-тадбирлар кўриломоқда. Таҳлиллар эса 2023-2025 йил май ойига қадар 110 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилганини кўрсатмоқда.

Қисқаси, қабул қилинаётган ҳар бир ҳужжат ижроси натижаси аҳоли турмуш да-ражасида ўз аксини топиши керак.

Биргина аҳолини сифатли уй-жой билан таъминлаш борасида сўнгги уч йилда Пре-зидентимизнинг фармон, қарор ҳамда топши-риқлари ижроси таъминланиши натижасида 221 минг хонадонли 5000 га яқин кўп кварти-рالي уй фойдаланишга топширилди.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” мас-сивларини қуриш ва ҳудудларнинг икти-моий-иқтисодий ривожланишини таъмин-лаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони одамлар турмушини янада яхшилашга хизмат қилмоқда. Фармонда белгиланган вазифалар-нинг изчил ижроси туфайли 2022 йилда таш-кил этилган 29 та “Янги Ўзбекистон” массиви сони 2024 йилда 52 тага етказилди. Уларда 28 минг хонадонли 803 та уй қурилди. 2025 йилда “Янги Ўзбекистон” массивларида 28 минг хонадонли уйлар барпо этилмоқда.

Шу ўринда пудратчи ташкилотлар янгидан қураётган уйлارнинг топширилиш муддати ке-чикиб, аҳоли тўлаган пуллар музлаб тургани, шартномалар асосан, қурувчи манфаатига хиз-мат қилаётгани каби оғриқли муаммолар бор-лигини ҳам айтиб ўтиш керак.

Шу каби ҳолатлар ва аини вазият уй-жой қурилишда аҳоли маблағи ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган янги тартиб жорий этишни тақозо этаётганди. Президентимизнинг жорий йил 27 январдаги “Уй-жой қурилиши соҳасини янада ривожлантириш, турар ва нотурар жой объектларини улуш киритиш асосида қуриш жараёнини тартибга солиш механизмларини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги фармони масала ечимида аини муддао бўлди.

Унда турар ва нотурар жой объектлари-ни улуш киритиш асосида қуриш жараёнини янада тартибга солишга қаратилган аниқ ме-ханизмлар белгиланди. Аввало, бунда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш кўзда тутилган. Қола-верса, уй-жойларни улуш киритиш ва ипотека кредити асосида сотиб олишнинг ишончини ва самарали имкониятларни яратилмоқда.

Биздан эса ушбу фармон билан яратилган имкониятларни жамоатчиликка етказиш ва жойларда ижросини тўғри ташкил қилиш талаб этилади.

Тартибли қурилиш, аввало, режага боғлиқ

Албатта, тартибли қурилиш, аввало, бош режага боғлиқ. Шу мақсадда 2022-2024 йилларда 388 та бош режа ишлаб чиқилди. 1660 таси эса қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларидир.

Президентимизнинг 2023 йил 11 сентяб-рада “Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада тақомиллашти-риш ҳамда 2023-2027 йилларда аҳоли пункт-ларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастурларини тасдиқлаш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги қарорига биноан жой-рий йилда 161 та шаҳар ва шаҳарчадан бош режалари ҳамда 108 та қишлоқ (овул) аҳоли пункти ҳудудларини шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемаларини ишлаб чиқиш белгиланган.

Бугунга қадар тасдиқланган дастурга киритилган 48 та шаҳарчадан 32 тасининг бош режаси тўлиқ ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитекту-ра-шаҳарсозлик кенгаши муҳокамасида кўриб чиқилиб, маъқулланди.

Келгусида бош режалар мутлақо янги кўринишда, яъни GIS форматда ишлаб чиқи-лишини таъминлаш борасида ишлар давом эт-тирилмоқда. Барча бош режа геоахборот тизи-мига рақамли форматда юкланганда ҳамда ушбу тизимда шаҳарларнинг рақамли эгизгаги ярати-лади. Бунинг учун жорий йилда 12 та шаҳар ва 46 та шаҳарча бош режаси, 94 та қишлоқ схема-си ушбу тизимга жойлаштирилди.

“Шаффоф қурилиш” тизимида шаҳар-ларнинг рақамли эгизгаги асосида ишлайдиган “Рақамли шаҳарсозлик кенгаши” платфо-маси ишлаб чиқилади. Объектларга муҳандис-лик-коммуникация тармоқларига уланиш учун техник шарт бериш жараёналари ҳам рақам-лаштирилади.

Қисқаси, топшириқлар ва ҳужжатлар би-лан ишлаш вазирлигимизда янада кучайти-рилади. Бу борада мутасадди раҳбарлар ва масъул ходимлар масъулияти кескин оширилади. Зеро, ҳужжатлар ва топшириқлар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажариш ҳар бир ходим-нинг устувор вазифасидир.

Давлатимиз раҳбари нутқларида қарорлар ижроси, ижро интизоми ва шахсий жавобгар-лик масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу фикрлар раҳбарлар ва масъул шахс-лар учун муҳим йўл-йўриқ бўлиб, уларнинг фаолиятида самарадорлик ва халқ ишончини таъминлашда асосий омилдир.

Албатта, халқимизни рози қилиш йўлида халқ қиладиган ишимиз кўп. Бунинг учун, энг аввало, Президентимиз фармон ва қа-рорларидан белгиланган вазифалар ижросини оғишмай, сўзсиз таъминлаш талаб қилинади. Бунга қўшимча, салоҳиятимиз ва имконияти-ми етарли. Шундй экан, ўзимизга билди-рилган ишончнинг оқлаш учун бор имконияти-мизни ишга солашим.

СОҲАДА МАГИСТРЛИК ДАСТУРИ ОЧИЛАЁТГАНИ МУҲИМ СТРАТЕГИК ТАШАББУСДИР

Инсоният тараққиётнинг энг юқори чўққисига кўтарилган ҳозирги паллада обихаёғга эҳтиёж муттасил ортиб борапти. Шу билан бирга, Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатнинг сув йўли ва сув олиш манбалари ўзаро боғлиқлиги кўшни давлатлар билан доимий тарзда сув дипломатияси юритиш зарурлигини тасдиқлайди.

“Сув дипломатияси” илмий тушунча сифатида бизга энди кириб келмоқда. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ташаббуси билан Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетида ўтказилган халқаро конференцияда айнан шу тушунча билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Конференцияда БМТ Тараққиёт дастури, Оролни қўқариш халқаро жамғармаси, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, Германия халқаро ҳамкорлик жамғармаси, Халқаро иқлим ташаббуси, Глобал яшил ўсиш институти ва бошқа халқаро ҳамда миллий ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Марказий Осиё минтақасида сув ресурсларидан барқарор ва самарали фойдаланиш, трансшегаравий сув ҳамкорлигини ривожлантириш, сув дипломатияси воситасида минтақавий барқарорликка эришиш масалалари муҳокама қилинди. Ўзбекистонда сув дипломатияси мутахассислиги бўйича магистрлик дастури очилаётгани алоҳида эътироф этилди. Ушбу ташаббус соҳадаги муҳим стратегик қадамлардан бири сифатида баҳоланди.

Мазкур магистрлик дастури Сув ҳўжалиги вазирлиги ташаббуси билан амалга оширилмоқда. Хусусан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда “Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизацциялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети ўртасида 2025 йилдан ушбу мутахассисликда магистрлик дастурини очиб юзасидан ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Дастур сув ресурслари



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Амударёнинг пастки ҳавзасида сув ресурсларини интеграциялашган бошқарувга оид дастур ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш зарурлиги таъкидланди. Мазкур ҳудуд Бухоро ва Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистонни қамраб олади. Бу ерда 1 миллион 50 минг 910 гектар сугориладиган ер ва 957 минг 260 гектар қўл, ботқоқлик мавжуд. Ушбу ҳудудда сув тежовчи технологиялар ва сув бошқарувини такомиллаштириш орқали ирригация учун сарфланаётган сув миқдори қисқартирилиши ҳамда сақланган сув экотизимларга йўналтирилиши зарурлиги қайд этилди.

рини бошқариш ва халқаро муносабатлар соҳаларини бирлаштирган ҳолда келажақда юқори малакали, мулоқотчанлик қобилияти юқори, геосиёсий вазиятни тушунадиган мутахассислар етиштиришни мақсад қилди. “Ўзбекистон” агентлиги директори ўринбосари Муҳиддин Иброҳимов “Tracking

Марказий Осиё давлатлараро сув ҳўжалигини мувофиқлаштириш комиссияси илмий-ахборот маркази директори Динара Зиганшина трансшегаравий сув ресурслари бўйича ҳамкорлиكنинг аҳамиятига тўхталиб ўтди. У Марказий Осиё давлатлари ўртасида сув ресурсларидан тинч, барқарор

Анжуманда Ўзбекистондаги RAMSAR ботқоқ ҳудудларини муҳофаза қилишга доир стратегик ҳужжатлар ишлаб чиқилиши зарурлиги маълум қилинди. Маърузада мутахассислар ўртасида канал, дарё ва ботқоқлар атамалари аниқ фарқланмаслиги, стратегик аҳамиятга эга зоналарни қамраб олган ягона расмий харита йўқлиги ҳамда мониторинг тизими етарли эмаслиги қайд этилди. Ушбу муаммоларни бартараф этиш учун аниқ терминологияни белгилаш, халқаро стандартларга мос харита тайёрлаш ва мунтазам мониторинг тизимини йўлга қўйиш лозимлиги таъкидланди.

Конференция якунида келгусида янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида халқаро ҳамкор ташкилотлар билан алоқаларни янада мустаҳкамлашга келишиб олинди.

Наргис ХОЛМАМАТОВА, Сув ҳўжалигида ислохотлар маркази етакчи мутахассиси


Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 21 апрелдаги “Геология соҳасига инвестицияларни фаол жалб этиш, тармоқ корхоналарини трансформация қилиш ва республика минерал-ҳом ашё базасини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги “Ўзбек геология қидирув” АЖ ташкил этилган эди.

Бугун мазкур жамият замонавий ва юқори самарали ускуналар, илғор техника ва инновацион технологиялар орқали ҳудудларда геология-қидирув ишларини жадал бажаряпти. Шу орқали мамлакат минерал хомашё базасини бойитишга катта ҳисса қўшмоқда. Жумладан, ўтган даврда ер қазирни геологик ўрганиш, рангли қимматбаҳо металллар ва бошқа фойдали қазилма майдонларида геология-қидирув ишларини ташкил этиш борасида жиддий ўзгаришлар бўлди. Хусусан, рангли ва қимматбаҳо металлларнинг истиқболли майдонларини топиш учун илмий-тематик ишлар бажарилди. Қолаверса, ресурс борлиги прогнози қилинган майдонларнинг майда, ўрта ва йирик қўламли геологик хариталари яратилди. Бу каби ишлар минерал хомашё базасини кенгайтиришга хизмат қилди.

2025 йилда 100 дан ортиқ лойиҳа бўйича қидирув ишлари режалаштирилган. Ҳозир дастур доирасида олтин, қумуш, мис, қўроғшин, рух, вольфрам каби рудали фойдали қазилмалар ҳамда норудалли минераллар — қурилиш материаллари ва кимё саноатида қўлландиған ресурслар бўйича ҳам ишлар бажарилмоқда.

Соҳа вакилларининг ахборотига кўра, бугун компания замонавий ускуналари орқали 1200-1900 метр чуқурликкача бурғилаш ишларини бажармоқда. Аввал намуналар фақат 50-60 фойз даражада олинаётган бўлса, ҳозирги технологиялар ёрдамида бу кўрсаткич деярли 100 фойзга етган. Бу эса таҳлиллар аниқлигини ошириб, йўқотишларни камайтиради. Шунингдек, жамият замонавий лабораториялар билан жиҳозланган. Қолаверса, кимёвий элементлар сони ҳам ошган. Таҳлил жараёнилари 60-70 та элементдан ортгани айтилмоқда. Бу эса ердаги ноёб элементлар ва камёб металллар бўйича аниқ, сифатли маълумотлар олишга хизмат қилди.

— Ҳисор марказий геология-қидирув экспедицияси (МИГКЕ) мамлакатнинг жанубий ҳудудида жойлашган. У Қашқадарё ва Сурхондарё дала экспедицияларини ўз ичига олади. Шунингдек, Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятларининг жанубий ҳудудида қаттиқ фойдали қазилмалар бўйича геология-қидирув ишларини бажаради, — дейди Қашқадарё дала геология қидирув экспедицияси бош геологи Зойир Сатторов. — Шу пайтга қадар экспедиция фаолияти давомида юртимизнинг турли вилоятида геология-қидирув ишларини бажарган. Жараёнда бир неча маъданли ва номаядан



шугулланади. Геология-қидирув ишлари ер усти ва ер ости тоғ лаҳимлари ҳамда бурғилаш ишлари ёрдамида бажарилди. Экспедициянинг геологик ишлари асосан оғир шараитдаги тоғли ҳудудларда амалга оширилади.

Мутахассисларнинг маълум қилишича, 2019-2024 йилларда Ҳисор марказий геология-қидирув экспедициясининг Қашқадарё дала экспедицияси томонидан Мадмон маъданли майдонидаги Акба олтин конида батафсил геологик ишлар бажарилди. Ушбу ишлар Акба олтин конининг қанот ва чуқур горизонтларини баҳолаш, Шарқий Кайлок олтин намоёнида дастлабки таҳлил, шунингдек, Шимолий Акба участкасини ўрганиш лойиҳаси доирасида бажарилди. Натижада Акба олтин конининг саноатбон захиралари расман ҳисобга олинди.

Ҳисобланган олтин захираси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳузуридаги давлат захиралари комиссиясида қўриб чиқилган. Натижада C1+C2 тоифа бўйича 13 тоннадан ортиқ олтин захираси давлат захиралар балансида топширилган.

— Жорий йилда фойдали қазилмалар захираси бўйича салмоқли кўрсаткичларни бажариш мақсад қилинган. Жумладан, олтин 157 тонна, қумуш — 190 тонна, мис — 270 минг тонна, қўроғшин — 42 минг тонна, рух — 48 минг тонна, вольфрам — 8500 тонна, литий — 5000 тонна, қўмир захирасини 6000 тоннага қўпайтириш кўзда тутилган.

Бунинг учун 131 та лойиҳа амалга оширилади. Шундан 50 таси давлат бюджети, 24 таси ОКМК АЖ, 63 таси НКМК АЖ маблаг ҳисобидан ишга туширилади. Ушбу лойиҳалар асосида геология-қидирув ишлари бажарилиши режалаштирилган.

Пресс-тур давомида иштирокчилар тош майдалаш цехида керн намуналарини тайёрлаш ҳамда Акба олтин участкасида геофизик ва бурғилаш жараёни билан таниди.

Цехда намуналар ер усти ва ер ости бурғилашидан олинини, майдаланиши ва лабораторияга таҳлил учун жўнатилиши ҳусустида маълумот берилди.

Акбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Обод манзиллар



Лойсувоқли пастқам уйлар, ёзда чанг, қишда лойга ботган илон изи тор кўчалар, қўлбола симёғочлар... Бу эски қишлоқ манзарасини ёдга солади. Бугун бу борада қўп нарса ўзгарди. Қишлоқларда ҳам аҳоли турмуш тарзи учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Жорий йилнинг ўзида Фарғона вилоятидаги оғир ҳудудлардаги 99 та маҳаллада сўғориш тизимини ўтказиш учун қудуқ қазиш, электр таъминоти ва йўл инфратузилмасини яхшилаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Асосий мақсад одамлар оғирини енгил, узоғини яқин қилиш.

Кува туманидаги “Қақир” маҳалла фуқаролар йиғинидаги бунёдкорлик ишларини кўрган киши уни чекка қишлоқ эмас, шаҳар деб ўйлайди. Айтишларича, кейинги ярим асрда қишлоқ аҳолисининг ҳаёт тарзи учун муҳим бўлган бирор инфратузилма тармоғи қурилмаган. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида бунёд этилган мактаб, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари бугунги кун талабига мувофиқ жавоб бермасди.

Ўтган қисқа вақт ичида бу ердаги манзара тубдан ўзгарди. Қишлоқ катта қурилиш майдонига айланди. Йўлсозлар, сув тармоқлари тортаётганлар, дарахт экаётган ташаббускорлар савй-ҳаракати бир дам бўлса-да, тўхтагани йўқ. Бундай бунёдкорлик одамлар руҳиятини кўтарди. Эртанги кунга ишончи янада мустаҳкамланди.

— Маҳалламиз қиёфаси том маънода ўзгариб кетмоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қожиблжон Юнусов. — Илк

ТОМОРҚАДАН ЭКСПОРТГА

ҚАҚИР ГУЛЛАРИ ДУНЁ БОЗОРИДА ҲАМ ЎРНИНИ ТОПЯПТИ

бор оқова сув тармоқлари қурилди. Бундан ташқари, 7 километр масофага ичимлик сув тармоғи тортиляпти, 4 та кўп қаватли турар жой биноси, ўттиздан ортиқ замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш маскани қуриляпти. Тадбиркор савй-ҳаракати билан давлат-хусусий шериклиги асосида кўп қаватли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш биноси қад ростляпти. Бинонинг биринчи қаватида маҳалла фуқаролар йиғини идораси жойлашади. Яна бир тадбиркор замонавий тўйхона, умумий овқатланиш мажмуасини битказиш арафасида.

Маҳалладаги эски мактаб ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган. Унинг поли, коммуникация тизимлари яроқсиз бўлиб қолгани аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётганди. Ўқувчилар икки-уч сменда ўқишга мажбур эди. Энди бу муаммоларга ечим топилди. Маҳаллада минг ўринли замонавий мактаб биноси қурилмоқда. Ҳозир бунёдкорлик ишлари жадал давом этапти. Йўл четларига бетон ариқлар ўрнатилмоқда. Пиёдалар учун йўлақлар, сайилгоҳ, болалар майдончалари қуриш борасида истиқболли лойиҳалар амалга ошириляпти. Беларуслик инвестор

ташаббуси билан 150 ўринли тикувчилик мажмуаси бунёд этиляпти.

— Қишлоғимиздаги ўзгаришларга ҳар жиҳатдан ҳавас қиялпман, — дейди меҳнат фахрийси Жалолиддин Эргашев. — Ёшим саксонга етди. Аммо бу қадар ободлиқни асло кўрмаганман. Аввалгига оддий бир қишлоқда 5-7 қаватли уй-жой қурилишига ҳеч ким ишонмаганди. Аммо бу ҳақиқатга айланди. Насиб қилса, наби-ларимизга шу ердан уй олиб бераман. Буларнинг барчаси тинчлик, тотувлик, ҳам-жиҳатлик маҳсули. Қулай имкониятлар

қишлоқларимизни шаҳарга айлантириб юборапти. Мазкур ишлар доирасида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, муносиб шарт-шароит яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўқисқ қалбларга қувонч, шодлик туйғуларини олиб кирди. Ҳозирга қадар ижтимоий ҳимояга муҳтож 4 оиланинг уй-жойи таъмирлаб берилди.

— Турмуш ўртоғим билан ёлғиз яшаймиз. Ўттиз уч йил бошланғич синфларга дарс бериб, нафақага чиққанман, — дейди

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

фахрий муаллим Ҳабибахон Ҳасанова. — Кексалик экан, рўзгордан орттириб, уй-жойимизни таъмирлашга имкон топа олмаётгандик. Маҳалламизда бунёдкорлик ишлари бошланган кун мутасаддилар келиб, хонадонимизни таъмирлаш, ҳар жиҳатдан қулай шароит яратиб бериш таклифини айтди. Уйимиз томи кўтарилди, эшик ва деразалари алмаштирилди. Умрларидан барака топсин, мана, ҳамма шароити бор чиройли уйга кўчиб ўтиб яшаймиз. Катта раҳмат.

Қақир маҳалласида гул ва кўчатлар етиштириш аъянаси қўлоч ёйган. Бошланган ишлар доирасида бундан ҳам унумли фойдаланиш чоралари кўриляпти. Яъни бу ерни намунали маҳаллага айлантириш мақсадида гулчилик ва кўчатчилик ривожлантирилади. “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили асосида турфа гуллар, манзарали-декоратив ниҳоллар парваришлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Зарурат бўлганда иссиқхоналар қуриб, унинг имкониятидан унумли фойдаланиш борасида ҳам тушунтириш, тарғибот ишлари олиб борилди. Айни кунда 200 дан ортиқ хонадонда иссиқхона қурилди. Турфа гул кўчатлари, манзарали дарахтлар парваришляпти. Улар нафақат ички бозорга сотиляпти, балки экспорт ҳам қилинапти.

— Ўн сотих томорқамиздаги иссиқхонада гул етиштириш билан шугулланамиз, — дейди Амирхон Тешахўжаев. — 2 сотих майдонда баҳорги лола етиштириб, мавсумда 100 миллион сўмдан ортиқ даромад олдик. Бундан ташқари, атиргул, манзарали гул кўчатларидан ҳам яхши даромад қиялмиз. Маҳалламизда гулчилар учун савдо ва кўрғазма расталари қуриляётгани ишларимиз салмоғини яхшилаш, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш имкониятини беради.

“Қақир” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳар кунда бир ўзгариш, янгиликлар бўй кўрсатиб турилди. Кува томонларга йўлингиз тушса, шаҳар билан бўйлашяётган қишлоққа кел келиб кетинг.



Абу Бакир ўРОЗОВ,
журналист

Табир жоиз бўлса, қайси контент кучли бўлса, дунё унинг атрофида айланади. Лекин ток-шоуда иштирок этган барча экспертнинг фикри бундай эмас.

Мавзу жуда қизиқ ва долзарб. Сабаби, бу фақат бизга ёки бизнинг муҳитга тегишли эмас, бутун дунёда кечаётган жараён. Шундай экан, уни ўрганиш, таҳлил ва тадқиқ қилиш фикри устуворлик касб этади.

Зотан, замон ривожланиб, рақамли технологиялар ҳаётимизга жадал кириб келиши билан ахборотни истеъмол қилиш ва тарқатиш услублари ҳам ўзгариб бормоқда. Бу жараён фақат Ўзбекистонда эмас, балки бутун дунё медиасаноатида кузатишмоқда. Илгари аҳоли ахборотни асосан, телевидение ва радио орқали олиб, муайян вақт ва контентга боғлиқ ҳолда яшаган бўлса, бугун рақамли платформалар ва ижтимоий тармоқлар бу ўринни эгаллаб бормоқда.

Хусусан, ёш авлод ахборот манбаси сифатида телевидениедан кўра, YouTube, TikTok, Telegram ва Instagram каби платформаларни афзал кўрмоқда.

Дунё микёсида рақамли платформа фойдаланувчилари сони кескин ошмоқда. Масалан, 2024 йил охирида Netflix дунё бўйича 269,6 миллион обуначига эга бўлди. YouTube кунига 5 миллиард видеоролик кўриладиган платформага айланди. TikTok эса ҳар ойлик 1,5 миллиард фаол фойдаланувчига эга. Бу платформалар ўрчимчак тўридек дунё аҳолисининг онгини эгалламоқда. Таҳлилчилар, медиабренд егалари эса кўлида смартфон тутган авлодга “эски” эфирлар қизиқ эмаслигини англаб етди ва янги эврилишларга қўл урди. Мисол учун, CNN, BBC, The Guardian каби нуфузли ахборот агентликлари ҳам YouTube, Facebook ва Instagram орқали ўз эфирини жонли трансляция қилишни йўлга қўйган. Натияжада уларнинг кескин қисқараётган аудиторияси муайян маънода “тинчланди”.

Ёшлар нега рақамли платформаларни танлаяпти?

Ток-шоуда иштирок этган экспертлар фикрича, рақамли платформалар, аввало, ахборот ва кўнгилочар контентини исталган вақтда, исталган жойда, исталган қурилма орқали кўриш имкониятини беради. Бу эркинлик эса телевидениедан мавжуд эмас.

Иккинчидан, ижтимоий тармоқларда контент интерактив — фойдаланувчи қўл босади, изоҳ қолдиради, ўз видеосини қўяди. Телевидениедан эса аудитория пасив.

Учинчидан, рақамли платформаларда контент танлови кенг ва хусусийлашган. YouTube ёки TikTok алгоритмлари фойдаланувчининг қизиқишига мос видеоларни тавсия қилади.

Халқаро медиатаҳлилчи Сэм Харрис бундай дейди: “Замонавий ёшлар ахбороти фақат кўришни эмас, унда иштирок этиш, фикр билдириш, ижод қилишни хоҳлайди. Бунга эса телевидение тақдим этиш имконига эга эмас”.

“Адолат” ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири Исом Ҳамроев жуда ўринли ва аниқ фикрни илгари сурди: “Нега биз бугунги ёшларнинг ортидан эргашимиз керак? Нима учун улар бизнинг ортимиздан эргашмайди? Илгари ёши катталардан доим ўрнатқич олинган, уларнинг анъаналари давом эттирилган эди”.

Тўғри фикр, устоз журналистнинг куюниб гапирганича бор. Лекин... ортимиздан ёшларни эргаштиришга нима қаршилиқ

“Ўзбекистон” телеканалининг “Муносабат” ток-шоусида иштирок этдим. Кўтарилган мавзу нафақат журналист ёки соҳа ходимлари, балки бутун жамиятни ўйга толдирадиган долзарб йўналишда бўлди: “Телевидение ўтмишга айланишмоқдами? Ёш авлод нимани танлаяпти?”. Бир қарашда ҳамма “ҳа” деб жавоб бериши аниқ. Сабаби бугунги авлод интернет оламига тўлиқ шўнғиб бўлди. Телевизор олдидаги ўриндиқлар бўшаяпти, мажозий маънода айтганда, экран эски, авлодлар эса янгиланаяпти. Ахборот майдони — бу энди катта студия эмас, ҳар бир кўлдаги смартфон дунё ахборотини жамлаган студияга айланмоқда.

Қайси? Қандай тўсқинликлар бор? Ҳеч қандай тўсқин йўқ. Қуруқ гапларда эмас, амалда нега эргаштира олмаётган ёшларни? Аксинча, уларнинг хоҳиши ва истаклари ортидан, замонавий тил билан айтганда, тренд ортидан эргашяпмиз деган ўринли эътироз ҳам билдирилди. Ёшлар билан рақобатлашиш учун, аввало, уларнинг орзуси, қизиқиши ва дарди нималигини билиш керак. Шундай экан, улар билан ҳисоблашишга мажбурмиз.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ўқитувчиси Нишона Исаеванинг айтишича, ёшлар ахборотни истеъмол қилишда вақт ва жой чекловисиз эркинликни қадрлайди. Бу имкониятни эса айнан рақамли платформалар бера олади. Шу боис, ахборотни излаш, таҳлил қилиш ва унга муносабат билдириш борасида ҳам ёшлар фаоллашмоқда. Бу тенденцияни телевидение тўхтатиши қийин, балки ўз услубини замонавийлаштириши керак.

Телевидение ўз аудиториясини сақлаб қоладими?

Жуда ўринли ва долзарб савол. Бу муҳокама анча йилдан бери соҳа мутахассислари ва экспертлари ўйлантириб келмоқда. Ҳаммининг фикри ҳар хил. Кимдир расмий телеканаллар ўз услубида ишини



давом эттиравериши керак, деса, бошқа биров телевидение замонга мослашиши, интернетта интеграциялашиши керак дейди.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги бўлим бошлиғи Маъмуржон Париевнинг қайд этишича, телевидение умуман йўқолиб кетмайди. Лекин ўзгариши шарт. Ҳозир кўп телеканаллар YouTube платформасида ўз саҳифаларини очган, мобил иловалар ишлаб чиққан.

“UZReport TV”, “MY5”, “Sevimli TV”, “Zo’r TV” каби телеканаллар YouTube платформасида миллион мартабалаб кўрилади. Бундан ташқари, телевидение стриминг, интерактив кўрсатувлар ва жонли эфир орқали рақобатбардошлигини сақлаб қолиши мумкин. Телевидение рақамлашмай, интерактив услубларни жорий қилмай туриб, ёшлар орасида аудиториясини сақлаб қололмайди.

— YouTube платформасининг ўзбек сегментигади видео ва қисқа лавҳа (reels) ларнинг номи одамни ваҳимага солади. У ердаги видеолавҳалар билан ижтимоий-сиёсий йўналишдаги миллий контентлар рақобатлаша оладими? Рақамли платформа контенти устидан тўлиқ назорат қилиш муаммоси бор, — дейди халқаро шарҳловчи Шарофиддин Тўлаганов. — Ёшлар орасида ёлгон ахборот, психологияга салбий таъсир кўрсатувчи видеолар тарқалиши кузатишмоқда. Масалан, TikTok тармоғида баъзи чалгитувчи трендлар, ёши кичиклар учун зарарли видеолар ҳам бор.

Шу сабабли рақамли медиасаводхонликни ошириш, платформаларнинг масъулиятини кучайтириш муҳим.

Дарҳақиқат, контент таъсири жуда кучли. Чунки у инсон онги, руҳиятини бошқаришга қодир. Ахборот майдонида жим қолиш ўз ихтиёрининг бошқаларга топшириш дегани. Ёшлар эса бу жангда энг муҳим объект.

“ Ҳозир ёшлар телевизор олдида ўтириб, эфир вақтини кутишни деярли тўхтатган. Масалан, 2024 йилда Ўзбекистонда Instagram фойдаланувчилари сони 9,4 миллионга етди. Бу аҳолининг тахминан 27 фоизи. Энг катта фойдаланувчилар гуруҳи 18-24 ёшлилар бўлиб, улар 41,4 фоизни ташкил этади.

Бугун контентни истеъмол қилувчи эмас, уни ишлаб чиқувчи бўлишни истаган авлод пайдо бўлди. Бу авлод эфир олдида эмас, платформа юзасида яшамоқда. Шундай экан, телевидение ўз ўрнини сақлаб қолиши учун, аввало, ёшларни тинглаши ва улар билан бир тилда гаплаша олиши керак.

Мақолани ёзиш жараёнида шу йўналишдаги халқаро тажриба билан қизиқдик.

Тележурналист, филология фанлари бўйича фалсафа доктори Нилуфар Умрзоқованинг фикрича, ёшлар телевидениедан кўра, рақамли платформаларни афзал кўрар экан, бу жараёни тўхтатиб бўлмайди, аммо уни тўғри бошқариш мумкин. Телевидение рақамлашшиши, интерактивлашиши ва ёшлар истагига мос контент ишлаб чиқиши лозим. Шу билан бирга, рақамли платформа контентини назорат қилиш ва медиасаводхонликни ошириш давлат ва жамият олдидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади.

Германияда рақамли платформалар орқали тарқатиладиган контент назорати учун махсус давлат органлари фаолият юритади. Франция ва Японияда эса мактаб ёшидан болаларга рақамли медиасаводхонлик дарслари ўтилади.

Тележурналист, филология фанлари бўйича фалсафа доктори Нилуфар Умрзоқованинг фикрича, ёшлар телевидениедан кўра, рақамли платформаларни афзал кўрар экан, бу жараёни тўхтатиб бўлмайди, аммо уни тўғри бошқариш мумкин. Телевидение рақамлашшиши, интерактивлашиши ва ёшлар истагига мос контент ишлаб чиқиши лозим. Шу билан бирга, рақамли платформа контентини назорат қилиш ва медиасаводхонликни ошириш давлат ва жамият олдидаги муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади.

Экранлар алмашинуви: ахборот олиш услуби қандай ўзгарди?

Телевидение узок йиллар давомида энг муҳим ва машҳур оммавий ахборот воситаси бўлиб келди. Ўтган асрнинг 50-йилларида телевидение асри бошланди ва у XXI аср бошига қадар ўз позициясини бошқа турдаги медиага бўшатмади.

Интернет ва ижтимоий тармоқлар ривожланиши билан аста-секин телевидение аудиторияси рақамли маконга кўчди. Охириги 7-10 йилда бу жараён кескин тезлашди. Масалан, АҚШда 2020 йилда



телеканаллар аудиторияси 2019 йилдагига нисбатан 10 фоиз қисқарган. Буюк Британияда ўртача 1 йиллик телевизор кўриш вақти 11 дақиқага камайган. Аксинча, стриминг платформалар 2020 йилда ўз аудиториясини кескин оширишга муваффақ бўлди.

Таҳлиллар телевидение томошабини камайиб бораётганини кўрсатмоқда. Бу анъанавий ОАВ олдида янги чақириқлар кўймоқда ва медиастратегияларни ишлаб чиқишни талаб қилмоқда.

Таҳлилларимизга кўра, телевидение ҳозир ҳам глобал медиабозорда муҳим роль ўйнамоқда. 2029 йилга бориб, телевидениенинг глобал аудиторияси сони 5,5 миллиард кишини ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Бу 2024 йилдагига нисбатан 3,8 фоиз кўп.

“Zenith” халқаро агентлиги маълумотига кўра, 2009 йилда сайёра аҳолиси ҳар куни 188 дақиқа вақтини телевизор кўришга, 48 дақиқани эса интернет учун сарфлаган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилга келиб, ТВда 168, интернетда 180 дақиқани ташкил этди.

Тадқиқотларга асосан, анъанавий оммавий ахборот воситаси (босма ва телевидение) аудиторияси 2017 йилги 63 фоиздан 2022 йилда 51 фоизгача қисқарган.

Алоҳида давлатлар мисолида кўрсак, АҚШда телеканаллар ҳар йили ўртача 2-3 фоиз томошабинини йўқотмоқда. Хитой ва Хиндистонда ТВ машҳур ва оммабоплигини сақлаб қолаётган бўлса-да, бу ерда ҳам аксарият фойдаланувчилар, айниқса, ёшлар онлайн платформаларни танламоқда.

Натияжада глобал реклама бозори ҳам аста-секин анъанавий ОАВ ўрнига интернет ва ижтимоий тармоқлардаги реклама берувчилар билан ҳамкорликни кенгайтиряпти.

Масалан, 2024 йилда глобал доллардан реклама бозори 800 миллиард доллардан ошди. Телеканалларда намоёиш этилаётган рекламалар эса қиймати 168 миллиард долларни ташкил қилган. Ўтган йили умумий реклама бозорининг 72,9 фоизини рақамли реклама ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2025 йилда 76,8 фоиз бўлиши тахмин қилинган. ТВда эса аксинча — 2024 йилда унинг улуши реклама бозорида 16 фоиз бўлган.

Ўзбекистонда ҳам охириги йилларда интернет фойдаланувчилари сони кескин ошиб бормоқда. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги маълумотига кўра, 2017-2025 йилларда улар сони 14,7 миллиондан 32,7 миллионга ошган. Хусусан, “Telegram”дан 28 миллион, “Odnoklassniki”дан 19,2 миллион, “Facebook”дан 2,3 миллион, “ВКонтакте”дан 1,5 миллион, “LinkedIn”дан 850 минг, “Twitter”дан 250 минг ўзбекистонлик фойдаланмоқда.

Мазкур рақамлар ахборот олишнинг асосий манбаси сифатида ижтимоий

тармоқлар ва интернет платформалари анъанавий ОАВлар позициясини эгаллаётганини кўрсатмоқда. Бу эса телеканаллар олдида бир қанча вазифалар қўяди: улар замонавий рақамли платформаларга интеграция қилиниб, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига аудиторияни янада кенг жалб қилиши лозим.

Рақамли даврда омон қолиш стратегияси

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессори Амрулло Каримовнинг қайд этишича, биринчи навбатда, рақамли платформаларга интеграцияни кучайтириш лозим. Аудитория қисқаришига қарамай, шакланган анъаналар ва кучли тахририят жамоаси мавжудлиги телеканалларга ишончининг сақланиб қолишига сабаб бўлаяпти. Мана шу кучли жиҳатларни сақлаб қолган ҳолда ТВнинг онлайн платформалардаги саҳифаларини янгилаш, аудиторияга мос ахборотни жойлаш ва тушунарли, содда тарзда етказиш орқали томошабинни телевидениега қайтариш мумкин.

Тадқиқотларга кўра, ахборот дастурлари ва спорт мусобақаларининг аксарияти телевидение орқали томоша қилинмоқда. Телеканаллар ижтимоий тармоқ ёки мессенжерлардаги саҳифалари орқали шу каби ахборотни тўғридан тўғри эфирга узатиш орқали аудиториясини кўпайтиришга эришиши мумкин. Масалан, ижтимоий тармоқдаги фойдаланувчиларни қамраб олиш мақсадида CNN Facebook орқали энг муҳим дастурларини реал вақт режимида ёритиб боради.

Бундан ташқари, BBC 2030 йилга бориб, теле ва радиоэфирларни тугатиб, тўлиқ онлайн форматда ишлашга ўтишни режалаштирган.

Ток-шоуда телеканаллар ўз платформасини яратиши орқали аудиторияни сақлаб қолиши ва кенгайтириши мумкинлиги таъкидланди. Хориянинг етакчи телеканаллари аллақачон мобил дастурларини ишлаб чиққан. Масалан, BBC “BBC iPlayer” платформаси орқали аудиториясини 15 фоиз оширишга муваффақ бўлди.

Ёки йирик стриминг платформаларида ўзининг энг машҳур ва рейтингли баланд дастурларини жойлаш орқали томошабинлар сонини кўпайтириш мумкин. 2023 йилда 87 фоиз америкалик стриминг сервисларидан фойдаланган. Анъанавий ТВ улуши 10 фоиз тушиб кетган. Томошабинлар онлайн форматга ўтар экан, телевидение бугун ўз тарихини қайта ёзиши керак. Акс ҳолда, ўзи тарихга айланиб қолади.

АҚШнинг ABC, NBC ва CBS телеканаллари Hulu платформаси билан ҳамкорлик қилади ва ўзининг энг машҳур шоуларини унга жойлаштириб боради. Бу орқали улар бренд ва эфир жадвалини сақлаб қолиб, ёшларни кўпроқ ўзига жалб қилиш имкониятига эга бўлади.

Бундан ташқари, аудиториянинг хоҳишини ўрганиш, улар орасида доимий сўровнома ўтказиш орқали ҳам телеканаллар рейтингини сақлаб қолишга ҳаракат қилимоқда. Гарб ва МДХнинг айрим давлатлари (Қозоғистон, Россия)да телеканаллар тез-тез бу каби сўровномалар ўтказиб туради. Баззи

ҳолатларда ушбу жараёнга махсус социологик марказлар ҳам жалб қилиниши мумкин.

SVT телеканали (Швеция) тажрибаси алоҳида эътиборга молик. 2017 йилдан бошлаб ушбу телеканал томошабинлар билан кофе-брейклар ташкил қилиб келади. Мазкур учрашувларда аудиториянинг ТВ дастурларига муносабати ўрганилади. Учрашувлар якуни бўйича SVT янги медиастратегия ишлаб чиқди ва трансформацияни амалга оширди. Бу орқали аҳолининг 20-39 ёшли тоифаси орасида томошабинлар кўпайишига эришилди.

Янги давр ёки телевидениенинг сўнгги саҳифаси

Яна бир муҳим нуқта — контентга инвестиция қилиш. Сифатли телемаҳсулот катта маблағ талаб қилади. Муваффақиятли лойиҳа телеканал рейтингини кўтариши билан бирга яхшигина даромад ҳам олиб келади. Мисол учун, HBO телеканали машҳур “Тахтлар ўйини” сериали учун 2 миллиард доллар сарфлаган. Бу телеканалга лойиҳанинг охириги мавсумида қўшимча 19 миллион томошабин жалб қилишга ёрдам берган. Сўровномаларга кўра, стриминг сервислари фойдаланувчиларининг 85 фоиз эксклюзив контент учун пул тўлашга тайёр.

Мақолани ёзиш жараёнида халқаро тажрибаларга жиддий эътибор қаратдик. Масалан, Netflix дунё бўйича кунига 1 миллиард соат видео кўриладиган ягона стриминг платформа. YouTubeда эса ҳар куни 500 соатлик видео юкланади, кунига 5 миллиард видеоролик кўрилади.

Ҳозир ёшлар телевизор олдида ўтириб, эфир вақтини кутишни деярли тўхтатган. Масалан, 2024 йилда Ўзбекистонда Instagram фойдаланувчилари сони 9,4 миллионга етди. Бу аҳолининг тахминан 27 фоизи. Энг катта фойдаланувчилар гуруҳи 18-24 ёшлилар бўлиб, улар 41,4 фоизни ташкил этади.

TikTok ҳам шиддат билан ўсмоқда. 2025 йил бошида Ўзбекистонда 18 ёш ва ундан катта фойдаланувчилар сони 2,57 миллионга етди. Бу платформалар ёшлар учун ахборот ва кўнгилочар контент манбаи сифатида анъанавий телевидениени орқадан қолдирмоқда.

2024 йил якунидаги маълумотга кўра, Ўзбекистонда Netflix фойдаланувчилари сони тахминан 301 минг атрофида. Бу рақам мамлакат аҳолисининг 1 фоиздан камрогини ташкил этади.

Бу рақамлар телевидениенинг ёшлар орасидаги аҳамияти пасайиб бораётганини кўрсатади. Ёшлар эркинлик, интерактивлик ва истаган вақтда контентга етиб бориш имкониятини қадрлайди. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, телевидение замон талабларига мослашиши, рақамлашиши ва янги форматларда контент тақдим этиши зарур.

Замон ўзгармоқда. Ёшлар энди истаган вақтда, истаган жойда ахборот олишни, фикр билдиришни, дунё билан мулоқот қилишни хоҳлаяпти. Рақамли платформалар бу имкониятни берапти. Телевизорнинг афзаллиги вақт билан бoғлиқ эди. Интернет эса вақтни ҳам, масофани ҳам йўққа чиқарди.

Ток-шоудан чиқарган ҳулосамиз шу бўлди: телевидение умуман йўқолиб кетмайди. У ҳамон кўпчиликнинг хотираси, қадриятлар ойнаси. Лекин агар замон талабига мослашмаса, бу кўзгуда ёшлар ўзини кўрмай қўяди. Шунинг учун медиа-майдонда энди кураш эмас, ҳамкорлик керак — телеканаллар ва рақамли платформалар биргаликда ахборот сифати, тарбия ва миллий қадриятларга хизмат қилишни ўрганиши зарур.

Чунки интернет ва смартфонлардан фойдаланаётган ёшлар — эртанги жамиятимиз. Улар қайси платформани танлашдан қатъи назар, ҳақиқий, соғлом ва фойдали ахборотга эга бўлиши шарт. Бу — биздан, катталардан, медиа соҳаси ва жамиятдан талаб қилинадиган жиддий масъулият.

